ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

ЙЎЛ БЎЛАКЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Илҳом Умиров
“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси
Жиззах политехника институти
E-mail: umirov-i@mail.ru

Санжар Турушев
“Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари” мутахассислиги магистранти
Жиззах политехника институти
E-mail: sanjarturushev@mail.ru

Фаррух Равшанов
“Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” йўналиши талабаси
Жиззах политехника институти
E-mail: ravshanovfarruxbek.1995@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсири реал йўл шароитида ўрганилган ва таҳлил этилган. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу йўл бўлаги учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: йўл-транспорт ҳодисаси, йўл бўлаги, йўл белгилари, йўл жихозлари, қатнов қисми, автомобил, йўловчи, пиёда.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF LANE TRAFFIC ON ROAD SAFETY

Ilhom Umirov
“Vehicle Engineering” department
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail: umirov-i@mail.ru

Sanjar Turushev
Master in Land Vehicles and Systems
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail: sanjarturushev@mail.ru

Farrux Ravshanov
Student of the specialty "Ground transport systems and their operation"
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail: ravshanovfarruxbek.1995@gmail.com

ABSTRACT

This article studies and analyzes the impact of road sections on traffic safety in order to prevent road traffic accidents in real road conditions. Recommendations were developed to ensure traffic safety for this section of the road.

Keywords: road traffic accident, road section, road signs, road equipment, roadway, car, passenger, pedestrian.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин иқтисодиётимиз жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Янги соҳа автомобиль ишлаб чиқариш саноати барпо этилди. Йўл қурилиши ривожлантирилиб, халқаро аҳамиятга молик автомагистрал йўллари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

қурилмоқда. Чет эл давлатлари билан савдо алоқалари ривожлантирилмоқда. Бу ўзгаришлар ўз навбатида республикамиз йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракат миқдорини кескин ўсиб боришига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида йўл-транспорт ходисалари ва унда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчиларнинг сони ошиб бормоқда ва умумий ижтимоий- иқтисодий зарарларни камайтириш асосий вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобил ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекицон республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳаракатлар цратегияси доирасида умумий фойдаланишда бўлган автомобил йўлларини ривожлантириш дацурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини та’минламоқда [1].

Автомобиллаштиришнинг кескин ўсиши билан йирик шаҳарларда йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш энг асосий вазифалардан бўлиб, соҳа мутахассислари учун долзарб мавзулардан биридир.

Жаҳон миқёсида автомобил йўлларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) оқибатида доимий ҳалок бўлаётганлар ва жароҳатланганлар сонини камайтириш, ҳалокатлилик даражасини ортиши асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Йўлларда аҳолига хизмат кўрсатишда ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида иқтисодий ва ижтимоий зарарлар келиб чиқмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва алоқалар тизими ҳал қилувчи ўрин тутади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Профессор Азизов Қ.Х ва катта ўқитувчи Абдурахмонов А. нинг “Пиёдалар ҳаракат ҳавфсизлигини ошириш йўллари” номли мақоласида ҳам қуйидаги фирлар келтирилади. Ўзбекистонда ўтказилган кўп йиллик кузатувларга асосан йўл ҳаракати қатнашчиларининг тақсимланиши қуйидагича

пиёдалар-77%

йўловчилар-16%

ҳайдовчилар-7%

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

Кўрсаткичлардан маълум бўлишича йўл ҳаракатининг асосий қатнашчиларини пиёдалар ташкил этмоқда. Шу нуқтаи назардан пиёдаларнинг ҳавфсиз ҳаракатланишини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Доцент Адилов О. ва катта ўқитувчи Исломов Ш. ларнинг “Ҳаракат ҳавфсизлигини таминлашда автомобил техник ҳолатининг ўрни” номли илмий мақоласида қуйидаги фикрлар юритилади: “Автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятлари кўрсаткичлари транспорт оқимининг хавфсиз ҳаракатланишида иштирок этувчи ҳайдовчининг маҳорати, йўлнинг ҳолати, атроф- муҳит ва бошқа таъсир қилувчи омиллар орқали аниқланади.

Ҳорижий адабиётлар: Турнов Игор Леонидовичнинг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” номли илмий мақоласида Россия федерациясида амалдаги қонун-ҳужжатлари таҳлил қилинган. Статистика маълумотларига асосан йилига 30-40минг одам ўлими билан тугайдиган ЙТҲ нинг сабаблари асосан спиртли ичимлик ичиб транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчилар айбдорлиги айтилади. 2013-йилги статистика маълумотларига асосан оҳирги 10 йиллик ичида 315 минг киши ЙТҲ натижасида ҳалок бўлганлиги мисол қилиб келтирилади. ЙТҲ ларни ҳисобга олиш айниқса ўлим билан тугаган ҳодисаларни қайд этишда ЙТҲда жароҳатланиб шифохонага тушган ва 7 кундан кейин оламдан ўтган жабрланувчиларни амалдаги қонунга асосан жароҳатланганлар рўйҳатига киритилган. Бу муддатни 30 кунгача узайтириш таклифини киритган. ЙТҲларнинг олдини олиш учун йўл қоидаларини бузган йўл ҳаракати қатнашчиларини қаттиқ жазолаш ва турли хилдаги санксиялар жорий қилишни қонунчиликка тадбиқ қилиш ғояси илгари сурилади [5].

МУҲОКАМА

Автомобиллаштиришнинг кескин ўсиши билан йирик автомагистрал йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш энг асосий вазифалардан бўлиб, соҳа мутахассислари учун долзарб мавзулардан биридир. Жаҳон миқёсида автомобиль йўлларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) оқибатида доимий ҳалок бўлаётганлар ва жароҳатланганлар сонини камайтириш, ҳалокатлилик даражасини ортиши асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий хаётида транспорт ва алоқалар тизими ҳал қилувчи ўрин тутади. Республикада юк ва йўловчиларни ташишда автомобиль транспортининг аҳамияти катта бўлиб, 80000 км дан узунроқ автомобиль йўллари қурилган ва улардан фойдаланилмоқда [5].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

Йўл жиҳозларининг мавжуд йўллардаги ҳолатини аниқлашда асосан кўз билан кузатиб аниқланади ва кузатув натижасида схема, жадвал ҳамда шароитни баҳоловчи тушунтириш хати тузилади.

М39 автомобил йўлининг 170-180 км бўлагини геометрик параметрлари ва йўл жиҳозларини мавжуд йўллардаги ҳолатини ўрганиб, шароитни баҳоловчи тушунтириш хати туздик.

М39 автомобил йўлининг 170-180 км бўлагини шартли равишда саккизта қисмдан иборат деб қабул қиламиз.

- М39 автомобил йўлининг 170-171 км бўлагида 5.28 ва 5.29.1 белгилари ўрнатилган бўлиб, қатнов қисми кенглиги 15 м бўлаклар сони 4 та ҳар бири 3,75 метрдан, мустахкамланган тасма кенглиги 0,2 м, йўл ёқасининг кенглигининг чап томони 3 метр ўнг томони 1 метр, 1.1 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 171-172 кмлар қатнов қисми кенгайган ва кенглиги 15м бўлаклар сони 4та ҳар бири 3,75 метрдан, йўл пойининг кенглиги 0,3м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 1 м, чап тарафи 2 м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 172-173 км йўл бўлагида да 1.11.1 белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15м бўлаклар сони 4та ҳар бири 3,75метрдан, йўл пойининг кенглиги 0,3м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 1 м, чап тарафи 2м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 173-174 кмлар йўл бўлагида 1.11.2 белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15м бўлаклар сони 4 та ҳар бири 3,75метрдан, йўл пойининг кенглиги 0,3м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 1 м, чап тарафи 3,5м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 174-176 км лар йўл бўлагида да 1.11.2 йўл белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15 м бўлаклар сони 4 та ҳар бири 3,75 метрдан, йўл пойининг кенглиги 0,3 м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 1 м, чап тарафи 2м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 176-178 кмлар йўл бўлагида 5.28 йўл белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15 м бўлаклар сони 4 та ҳар бири 3,75 метрдан, мустахкамланган тасма кенглиги 0,3м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 3,5 м, чап тарафи 2м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

- 178-179 кмлар йўл бўлагида 1.11.1 белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15 м бўлаклар сони 4 та ҳар бири 3,75 метрдан, мустахкамланган тасма кенглиги 0,3 м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 2 м, чап тарафи 3,5 м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

- 179-180 кмлар йўл бўлагида 5.28 ва 1.11.1 йўл белгиси ўрнатилган. Қатнов қисми кенглиги 15м бўлаклар сони 4та ҳар бири 3,75метрдан, мустахкамланган тасма кенглиги 0,3м, йўл ёқасининг кенглиги ўнг тарафи 3,5 м, чап тарафи 3м, 1.1 ва 1,5 йўл ётиқ чизиғи чизилган.

НАТИЖАЛАР

М39 автомобил йўлининг 170-180 км бўлагида оғир оқибатли Йўл-транспорт ҳодисаларини минтақасини аниқлашда 5 йил давомида содир этилган ЙТҲларни таҳлил қилиб чиқдик. Бунда биз автомобил йўлининг 179-180 кмлар оралиғидаги бўлагида энг оғир оқибатли ЙТҲлар бўлаётганини кузатдик.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг бўлаклари бўйича таҳлил қилганимизда 179-180 кмлар оралиғи энг хавфли худуд бўлмоқда. Шу ораликда 5 йил мобайнида 23 ЙТҲ содир этилган. 170-171 км ва 172-179 кмлар оралиғида шу давр мобайнида 18 тадан ЙТҲ содир этилган. Бу худудлар хам хавфли худудлар сирасига киради. Энг кам ЙТҲлар 174-176 кмлар оралиғида содир этилган.

М39 автомобил йўлининг 179-180 кмлар оралиғида ҳам оғир оқибатли ЙТҲ лар содир бўлган. Энг оғир йўл-транспорт ҳодисаси 2017 йилнинг 10 июнь санасида соат 13:30 да М39 автомобил йўлининг 179 км бўлагида содир бўлган. Бунда Тойота Прадо автомобили ҳамда Дамас иштирокида содир этилган. Ушбу ЙТҲ туфайли 5 та инсон хаётдан кўз юмган 3 та инсон оғир жароҳатланган. Бундан ташқари 179-180 кмлар оралиғида 2014-2018 йилгача яна 14 та оғир оқибатли ЙТҲлар содир этилган бўлиб, бунда 11 та инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган ва 17 та инсон турли хилдаги жароҳатлар олишган.

ХУЛОСА

Барча давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда асосий восита бўлиб йўл белгилари, тўсиқлар ва йўл белги чизиқларидан фойдаланилади. Автомобиллар ҳаракатининг кўпайиши ва йўл шароитларининг мураккаблашуви ҳайдовчилар томонидан қатор ўрнатилган

йўл белгиларининг қабул қилишини қийинлаштириб, уларнинг самараси анча паст бўлиши кузатилган.

Автомобил йўлларида ҳаракатни ташкил этишда ҳозирда ишлатиладиган техник воситалар қуйидагилардан иборат: йул белгилар, йул белги чизиқлари, транспорт светофорлари, пиёда светофорлари, йўл тусиқлари. Бундай

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

анъанавий усулда ҳаракатни ташкил этилишида бир канча объектив ва субъектив камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, кўпчилик ҳолларда йўл ёқасида дарахтлар мавжудлиги сабабли у ўрнатилган йўл белгилари ҳайдовчиларга белгиланган масофада кўринмайди.

Иккинчидан, аҳоли пунктидан ўтувчи автомобил йўлларида турли йўл белгиларининг кўплаб кўйилиши натижасида ҳайдовчига тушадиган ахборотлар миқдори кескин ошиши оқибатида, улар йўл минтакасидаги ўзгарувчи ахборотларнинг фақат бир қисмини кабул кила олиш имкониятларига эгалар.

Учинчидан, пиёдалар йўлнинг катнов кисмига чиқишини бартараф этувчи йўл тусиқлари ўрнатилмаганлиги, шунингдек, тротуарларда куз ва баҳор ойларида оқова сувларнинг туриб колиши натижасида пиёдаларнинг ҳаракатланиши амалда йўл ёқасида бўлиши кузатилади.

Туртинчидан, ҳайдовчилар бундай қийин йўл шароитини ҳисобга олмаган равишда, тезликни пасайтирмасдан ҳаракатни давом эттирадилар [19].

Ўзбекистон Республикасида ЙТҲ лар сонини камайтириш мақсадида, Жиззах вилоятидаги М39 автомобил йўлининг 170-180 кмлар бўлагида хавфсиз харакатланишини ошириш учун тадқиқот ишлари олиб борилди ва керакли тавсиялар берилди.

REFERENCES

1. Автомобил транспорт корхоналари бўйича солиштирма капитал маблағларнинг меъёрлари. -М,: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1985 й. - 118 б.
2. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-86), -М: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1986 й. - 129 б.
3. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-91), -М: Гипроавтотранс, 1991 й. - 184
4. Кузнецов Е.С. «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси ривожининг илмий-техникавий тараққиётининг ва истиқболининг йўналишлари» -М.: МАДИ, 1987. -90 б.
5. Бегматов, Б. Я. (2020). Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3).
7. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00282

8. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
9. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).
10. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
11. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
12. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
13. Адилов, О. К., Умиров, И. И. Ў., & Барноев, Л. (2020). Транспортни ҳавфсиз бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, (1).
14. Бегматов, Б. Я., & ўғли Холиқов, Д. Р. (2021). Автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. Academic research in educational sciences, 2(1).
15. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).
16. Azimov, A., & Muxtarov, A. (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 258-265.
17. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).
18. Azimov, A. (2020). Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari. *Academic research in educational sciences*, (1).
19. Эшонқулов, М. З. (2020). Транспорт воситаларининг ишлаб-чиқариш техник база билан таъминланганлик даржаси тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (4).